O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. M



**Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллигига**

# БУЮК АЛЛОМАЛАРГА ЭҲТИРОМ

**Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигига**

***Шарқнинг икки буюк алломаси ҳисобланмиш Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг юбилейларига тобора яқинлашиб бормоқдамиз. Шу кунларда республикамизда икки олимга бағишланган илмий анжуманлар бўлиб ўтмоқда. Уларнинг илмий мероси нашр этилмоқда. Улар яшаган Фарғонанинг Қува ҳамда Самарқанднинг Челак туманларида меъморий мажмуалар қад ростламоқда. Бундай хайрли ишларда диёримизнинг барча вилоятларидаги, хусусан тошкентлик қўли гул усталар фаол қатнашмоқдалар.***



Тошкентлик ганчкор уста, «Саидасрорасал» фирмасининг директори Саидасрорҳожи Саидмухторҳожиев ҳам ўз шоғирдлари билан ана шу қурилишларда иштирок этяпти. У бошлиқ усталар, шогирдлар кўпдан-кўп ажойиб бинолар тиклаб, халқимиз олқишига сазовор бўлган.



Айниқса, Республика Олий мажлисининг янги биносида устанинг маҳоратидан сўзловчи ганчкор гуллар, панжаралар талайгина.

— Бу икки буюк алломанинг ёдгорликларини тиклаш ишларида қатнашишга таклиф этишганидан бошим осмонга етди, — дейди уста Саидасрор. — Ахир шундай аждодларимизнинг ҳурматини жойига қўймасак, уларнинг мақбараларини безамасак, Навоий бобомиз айтмоқчи «ҳунарни асрабон неткумдир охир».

**— Сиздан бошқа усталар ҳам қатнашадими бу ишларда?**

— Албатта. Республика Маданият ишлари вазирлиги қошидаги «Қадрият» фирмаси катта юмушларни амалга ошираяпти. Ганчкорлар, наққошлар, дурадгорлар — қўйинг-чи ҳунарманд зоти борки, Аҳмад ал-Фарғонийнинг рамзий мақбарасини, унинг номидаги боғини, музейни тиклашда тер тўкмоқда. Соибжон Салимов, Нуриддин Усмонов бригадалари ҳақида ҳар қанча таҳсин айтса оз.Айниқса Маҳамаджон Пўлатов, Акром Мухторов, Икром Мухторов, Олим Мўминов, Маҳмуд Ибодов ва бошқаларнинг қўли гул эканига кўпчилик тан беряпти.

**— Сиз бош бўлган фирма қандай иш бажаради?**

— Аҳмад ал-Фарғоний музейининг катта залидаги, меҳмонлар қабул қилинадиган хос хонадаги барча ганчкорлик ишларини амалга оширамиз, безаймиз.

**— Музей қаерда бунёд этиляпти?**

— Чор генерали Скобелев яшаган уй музейга айлантирилади. Ватандошларимизнинг музейи ишга тушиши, бу асрий адолатнинг тантанаси, мустақиллигимизнинг яна бир намоён бўлишидир.

**— «Қадрият» усталари ҳақида нималар дея оласиз?**

— Ажойиб йигитлар! Улар Америкада, Ўзбекистон элчихонаси биносида, Малайзиядаги Ислом марказида ишлаб қайтишди.

**— Имом ал-Бухорий хотира мажмуини тиклашда ҳам «Қадрият» қатнашади чоғи?**

— Албатта. Бухорий ёдгорлик мажмуини тиклашда, таъмирлашда Самарқанд қайта таъмирлаш устахонасининг уста Ёқуб бобо бошчилигидаги катта бригадаси ҳам ишламоқда.

Халқимиз ўзининг буюк фарзандларини нечоғлик ардоқлашини, қадриятларига гард юқтирмаслигини Имом ал-Бухорий ёдгорлигини тиклаш жараёнида яна бир карра амин бўлдим. Ургут туманининг Ғус қишлоғи Сой жоме-масжиди имом хатиби Убайдуллахон Ҳалонов бошчилигидаги отахонлар беғараз ҳашарга келишди. Уларнинг ихлос билан меҳнат қилаётганини кўриб, худди йигитми дейсиз. «Бундай эзгу ишларга ўз ҳиссасини қўшмаслик гуноҳ, — дейди имом Убайдуллахон. — 30 киши билан ҳашарга келдик. Алломалар султони, муҳаддиси имом ал-Бухорийнинг муборак ҳобгоҳини таъмирлаш, янги қисмини тиклашда бир эмас барча туманлардан одамлар келишмоқда».

Хуллас, иш шундай қизғин тус олиб кетган.

**— «Қадрият», «Саидасрорасал» билан бир қаторда бошқа ижодий гуруҳлар ҳам борми?**

— Бор бўлганда қандай! «Усто» бирлашмаси асосий катта ишларни бажаради. Ҳаммамиз ижодкорона кайфиятдамиз. Буюк ватандошларимиз Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғонийга чексиз ихлос билан меҳнат қилмоқдамиз.

**— Қачон тугалланади юмушлар?**

— Юбилей тантаналарига ҳамма нарса тахт бўлади, иншооллоҳ.

Бир сўз билан айтганда устазодалар бор маҳорати билан меҳнат қиладилар. Икки аллома туғилган кунлари муносабати билан амалга ошириладиган барча иншоотларнинг қад ростлашига муносиб ҳисса қўшадилар. Биз эса «Қўлингиз дард кўрмасин устазодалар, касб-корингизга барака», деймиз.

*Ғолиб МИРЗО,*

*СУРАТЛАРДА: ёдгорликларнинг қурилишида иш қизғин паллалар.*

*Шокир Тожибердиев олган суратлар.*



**Ибратнома**

# ҒАЙРАТДАН КЕЛАДИ НОМ

***Ғайрат инсондаги ижобий фазилатларнинг биридир. Мушкул масалаларни ҳал қилиш, дўстлик, иноқ-иттифоқликни мустаҳкамлашда халқ ва мамлакат ишларида бу хислатларнинг аҳамияти беқиёс. Инсонда ғайрат уч хил кўринишда намоён бўлади: биринчиси биродарлар ва қариндошлари, иккинчиси турмуш ўртоғи, учинчиси эса ўз халқига нисбатан меҳр-муҳаббат ғайратидир. Ўз биродарларига ғайрат аломати шунда кўринадики, бунда инсон дўстларидан ҳам олийҳимматроқ, саховатлироқ бўлишга, ҳар соҳада, ҳар ишда хизмат кўрсатишга, садоқат ила мададкор бўлишга интилади.***

XI-XII асрларда яшаб ижод этган хоразмлик буюк аллома Абулқосим Замахшарий бу ҳақда: «То бошингга ўлим келмагунча ҳеч кимдан ёрдамингни аяма. Муҳтожларга қўли очиқлик билан эҳсон этғилким, бундан ғайрат камарила таҳсинга лойиқ нур сочувчи офтоб янглиғ яхшилик, эзгуликлар илалабадға қалбингдан мустаҳкам жой олсин», — дея ўгит беради. Шунингдек, олижаноб фазилатларни касб этиш, разил одатлардан қочиш ҳам одоб-ахлоқ тарбияси борасидаги ғайратга кирадиган амаллардан бири саналади.

Ўзбек халқи кўп эзгу ва яхши фазилатлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Ҳадисларимизда: «Ризқи кенг ва фаровон бўлишини, ҳаёти узоққа боришини яхши кўрадиган киши қариндошларидан ўзини узмасин», — дея лутф қилинганлиги бежиз эмас.

Бинобарин яхши номга муносиб бўлиб юришнинг масъулиятли юки бор. Ана шу юк заминида одамийликнинг фақат бир қиррасигина намоён, холос.

Умр йўлдошига қилинадиган ғайрат — поклик ва иффатда сақламоқликка эришишдир. Расулуллоҳ оилада вафо, садоқат, мушоварат ҳукмрон бўлиши улуғ бир саодат эканлигини қайд этганлар: «Оиланинг калити тотувлик, тинчлик, иноқ-иттифоқликдир. Иффат, назокату ҳам шарму ҳаёдир!». Бинобарин оиладаги тинчлик, хотиржамлик аввало бору йўққа қаноат қилиш демакдир. Фисқу фасод, адоват, ғаразли ўйлардан эса узоқда бўлиш лозим. Шунингдек, қўли очиқлик, олийҳимматлик, сахийлик гўзал хулқларнинг энг аълосидир. Қўли очиқ, сахий одам ҳар кимнинг қошида ҳурматли ва қадр-қимматли одамдир. Қўли очиқ, сахий бўлиш учун бой-бадавлат бўлиш шарт эмас, оз нарса билан ҳам сахийлик қилиш мумкиндир. Зарурат туғилганда қўлида бўлган қаттиқ нону сув билан ҳам тезда муҳтожнинг ҳожатини чиқармоқлик ғайратнинг ана шундай бир кўринишига кирадиган олийҳимматлик одатларидандир. Ҳозир ҳам Ҳижозда агар бирор кимса бировнинг девори ёки томи соясига келиб ўтирсаю ҳеч нарса сўрамаса ҳам у кишига иззат-икром билан муносабатда бўлишликни ўзларига шараф деб биладилар. Бундай олижаноб ва олийҳимматли расм-одат шубҳасиз, инсонга, қолаверса, ўз халқига бўлган зўр меҳр, ғайрат нишонасидир.

Нақл қилишларича, Баҳром Гўр кунлардан бир куни айланиб, шикорга чиқади. У шикор вақтида бир қулоннинг ортидан қувиб, ўз маҳрамларидан узоқлади ва адашиб қолади. Баҳром Гўр шу тариқа талай йўл юриб обдон дармони қурий бошлаганда бир қишлоққа етиб боради. Даштнинг танобини кўп тортган подшоҳ ғоят очиққан, емак-ичмакка муҳтож эди. У отидан тушиб бир дарахт соясига ўзини олади ва ўзининг кимлигини сездирмай: «Мен бу дам сизларга меҳмонман. Нимаики, тайёр овқатингиз бўлса, ўша билан иноят қилинг, шу кифоядир», — дейди.

Қишлоқдаги бадавлат бир одам нотаниш сайёднинг оғир аҳволини кўриб турган бўлса ҳам, табиатан ўта назари пастлигидан «Ўлиб кетмайдими, менга нима», дегандай унга эътибор бермайди. Бошқа бирови эса аксинча, қўйлар сўйдириб, катта дошқозон осдириб, зўр зиёфатнинг тайёргарлигини кўра бошлайди. Очлик эса тобора қийнаб, ошқозон таталаб турганда мезбоннинг эртага пишадиган овқатидан не наф? Худди шу ердаги бошқа бир хонадоннинг камбағал бўлса ҳам аҳли дониш эгаси меҳмонни ўз уйига олиб кириб, олдига нон билан қатиқ қўяди. Тайёр овқатни егач, жони ҳузур топган ҳукмдор шоҳ мана шу ризқ билан меҳмон қилган хонадон соҳибига беҳисоб мол-дунё ҳадя этади. Исрофгарга эса бесамар қилган сарф-харажатларини тўлар экан: «Кимгаки, ғайрат ила олийҳимматлик ёр ўлубдур, ул бешак бахтиёрликка эришибдур», — дейди. Бояги беҳиммат кимса шу тариқа эл назаридан қолибди.

Кишиларнинг тоабад ўз оиласи, қариндошлари, дўст-биродарларига оқибат-садоқатда, меҳр-мурувватла ҳимматда бўлиши, ҳайвонларга раҳм-шафқат кўрсатиши унинг ғайратидан далолатдир. Шундай экан, манманлик, бепарволик, кибру ҳаво, лоқайдлик ва бошқа жамики, чин инсонийликка хос бўлмаган салбий хислатлардан йироқ бўлмоқлик керак.

Яхши одоб-ахлоқ, самимийлик, энг муҳими «Инсон» деган улуғ номга ярашиғлик эзгу ва хайрли амаллар билан эл-юрт орасида ҳурмат қозонишдан савоблироқ иш дунёда йўқ.

*Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН.*

# ДАМ ОЛИШ ОҚШОМИДА

**Бандлик**

## МЕҲНАТ БИРЖАЛАРИДА КОМПЬЮТЕРЛАШГАН ТЕХНОЛОГИЯ

***Бозор муносабатларига ўтишда дуч келинадиган муаммолардан бири бу ишсизлик муаммосидир. Республикамизда бу муаммони ҳал этишда давлат томонидан олиб борилаётган фаол ижтимоий сиёсат асосий омил бўлиб хизмат қилиб келмоқда.***

Ушбу сиёсатни бевосита амалга оширувчи давлат ташкилоти бу — Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси ва уларнинг жойлардаги меҳнат биржалари бу борада астойдил иш олиб бормоқдалар. Улар маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорликда янги иш ўринларини ташкил этиш, ишсизларни ишга жойлаш, аҳолининг иш билан бандлик қонунига асосан иш билан таъминланмаганларга ишсизлик мақомини бериб, уларга маълум муддатга нафақа тайинлаш, айримларни келишилган ҳолда қайта ўқитиш ёхуд бошқа касбга ўргатиш каби юздан ортиқ вазифаларни ҳал этиб келмоқдалар.

Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг маълум сабабларга кўра қайта ташкил этилиши ёки умуман тугатилиши туфайли ишсиз қолаётган ишчи, хизматчи ёки зиёли кишиларга бундай пайтда ёрдам берадиган давлат ташкилоти — бу меҳнат биржаларидир.

Биржаларга иш ахтариб келган фуқароларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, биржа ходимлари иш шароитида қулайлик туғдириш ва ҳисобот тайёрлаш ишларини тезлаштириш каби вазифаларни замонавий компьютерлашган технологиясиз уддалаб бўлмайди.

Ҳозирда бош бошқарма ва туман биржалари фаолиятида бажарилаётган вазифаларнинг 70-75 фоизини компьютерлар бажармоқда. Жумладан шаҳар бўйича бўш иш ўринлар ва вакант лавозимлар рўйхати компьютер хотирасига жойланган бўлиб, бу эса иш излаб қолган фуқароларга саноқли дақиқаларда бутун Тошкент шаҳри миқёсида кўплаб иш ўрнини таклиф этиш имконини беради. Қўлланилаётган компьютерлашган технологиянинг самарадорлиги шундан иборатки, қонунга мувофиқ нафақа олиши керак бўлган фуқаролар рўйхатини тузиб чиқиш, муддатидан илгари нафақахўрликка чиқариш бўйича рўйхат материали, 2 фоизли ажратмалар ҳисоб-китоби, биржаларнинг ойлик, чорак ва йиллик фаолиятлари бўйича тайёрланадиган ҳисоботларнинг аниқлик даражаси ошиб, уларни тайёрлашга сарфланадиган вақт анча камайиб, қисқа дақиқаларда олиш имкони туғилмоқда.

Компьютерлашган информацион технологияни такомиллаштириш яқин келажакда Бош бошқарма ва биржаларни ўзаро бирлаштирувчи тармоқ, электрон почтани йўлга қўйишни кўзда тутади. Бу деган сўз ахборот алмашинуви бир неча баробар ортиб, тегишли маълумотлар биржалардан бевосита Бош бошқармадаги компьютерлар орқали олинади демакдир.

Бош бошқарма ҳамда биржалар фаолиятини компьютерлаштириш ва бу масалага илмий ёндошишга келажакда вақтинча ечилиши қийин бўлган кўпгина масалаларни самарали ҳал этиш имконини беради. Бундай масалалар ва ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш, меҳнат ресурсларини бошқариш, биржаларга иш излаб келган фуқаролар билан маслаҳатли иш олиб бориш кабилар киради.

Лекин шу билан бирга биржалар фаолиятини компьютерлаштириш бу биржалардаги ҳамда ишлар ёппасига компьютерга юклатилади деган маънони англатмайди. Иш изловчилар билан биржа ходимларининг ўзаро мулоқотлари борасида компьютерлаштириш, бу биржа ходимига математик ифодалар кўринишида бўлган, кунда ечиладиган, кўплаб меҳнат ва вақт талаб қиладиган масалаларни тез, аниқ ва ишончли ечим билан таъминлаш билан биргаликда қоғозбозлик ишларини ҳам анча кўпайтириш имконини беради.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ишларни компьютерлашган технология асосида ташкил этиш бу замон талаби бўлиб, бош бошқарма ва биржалар фаолиятида унумли иш юритишнинг асосий омили бўлиб хизмат қилади.

*Собир САИДКАРИМОВ, Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси бошлиғи.*

*Авазхон МИРЗАХЎЖАЕВ, ахборот-ҳисоблаш тизимлари ва техник хизмат кўрсатиш шўъбаси бош мутахассиси.*

**Хат босилмаса ҳам...**

## КАЙКОВУС АРИҒИ ҲАҚИДА

***Яқинда таҳририятимизга Шайхонтоҳур туманининг «Бўстон», Ёқуб Зиёев, «Ўзбекистон», Қаюм Муртазоев номли маҳаллаларида яшовчи бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийлари ва фуқаролардан шикоят хати келди. Бу шикоят хатини йўллаганлар пойтахтимиздаги Кайковус анҳорининг бугунги кундаги аҳволи ҳақида куюниб қуйидагиларни ёзганлар:***

«Тахтапулдан келаётган Кайковус анҳори Қумлоқ, Қўштутдан ўтиб Чиғатой дарвозада 2-(Кўкча ва Чиғатой Оқтепага) бўлиниш олдидан сувнинг кўплигидан кенгайиб отни чўмилтирганда уни кўмарди. Шу жойдан аравакашлар сув остидан қумни аравалаб олишса, кучли оқимдан яна эртасига тўлиб қоларди. Анҳор Кўкчага бурилиб Лайли тўғон (35-поликлиника олди)да пахта заводини айлантириб Шопайиз, Бирлик, Бешқайрағоч томон оқиб боғ-роғларни суғорарди. Анҳорнинг 2-қисми Чиғатой Оқтепага оқарди. Анҳор 50-60-йилларда Тошкентнинг ғарбидаги сабзавот жамоа хўжаликларини ва аҳоли томорқаларини суғорарди. Ҳозир эса анҳорда сув миқдори 20 фоиз оқиб, оддий ариққа айланган. Сабаб?!»

Таҳририятимизга хат йўллаганлар унинг бир қатор сабабларини рўйрост кўрсатиб берганлар ва улар хат сўнггида мутасадди ташкилотларга бир неча саволлар билан мурожаат этишган. Улар анҳорнинг кўпдан бери кавлаб тозаланмагани, бу ердаги экологияга зид аҳвол ҳақида куюниб гапиришган.

Биз уларнинг шикоят хатларига жавоб беришларини сўраб бир неча мутасаддиларга хат йўлладик. Мана, бугун улардан бири — Тошкент шаҳар сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ш. Шоназаров имзоси билан жавоб хати олдик. Қуйида жавобни тўлалигича эълон қилмоқдамиз.

***«Ушбу аризага асосан Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги бошқармалари ва сув хўжалиги ходимларидан тузилган комиссия жойларга чиқиб ариза тафсилотини текшириб кўрди ва қуйидагиларни аниқлади. Аризада кўрсатилган Кайковус, Чиғатой, Жарариқ, Кўкча каналлари 1998 йил 28 мартгача тозаланганлиги ва 30 мартдан каналларга сув қуйилганлиги аҳоли томонидан, хусусан аризага қўл қўювчилар ва маҳалла қўмитаси раислари томонидан тасдиқланган.***

***Аризада кўрсатилган маҳаллаларда сув бўлмаслиги сабабларидан бири аҳоли томонидан майда ариқлар кўмиб ташланганини ёки кўп йиллардан бери тозаланмаганидир. Комиссия томонидан маҳаллаларда бажариладиган ишлар ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди.***

***Юқорида кўрсатилган Кайковус, Чиғатой, Жарариқ ва Кўкча каналларига 100 фоиз сув қуйиш учун ҳамма маҳаллаларда ички ариқлар тозаланган ва сув олишга тайёр бўлиши керак. Шу борада бугунги кунда шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси, шаҳар «Сувсоз» трести, шаҳар сув хўжалиги ва туманларда шунга алоқадор ташкилотлар вакиллари биргаликда ҳар бир туманда тузилган жадвалга асосан (12.05.98 йилдан 3.06.98 йилгача) маҳалла ва мавзеларни оқар сув билан таъминлаганлиги ва уни яхшилаш чораларини кўриш бўйича иш олиб борилмоқда».***

**Табассум**

*Байрам олдидан бир киши дўкондан банан сотиб олибди. Унинг пўстини арчиб, чўнтагидан озгина шакар олиб бананга сепибди. Кейин битта тишлаб қолганини отиб юборибди. Буни кўрган сотувчи ҳайрон бўлиб сўрабди:*

*— Нега бананни отиб юбординигиз?!*

*У киши шундай жавоб берибди:*

*— Ахир мен шакар сепилган бананни асло ёқтирмайман-да!*

* * *

*Бир гадойдан сўрашибди:*

*— Нега гадойчилик қилаяпсан?*

*У шундай жавоб берибди.*

*— Бошқаларга муҳтож бўлмаслик учун пул топаяпман.*

* * *

*Ота: Мен ҳозир кетаяпман. Агар Аҳмад деган киши келиб мени сўраса, унга дадам эртага сиз билан учрашадилар, — дегин.*

*Ўғил: Агар келмаса нима дейман?!*

* * *

*Хотин: Болаларимиз жуда ақлли-да! Уларга ҳамма ақл мендан юққан.*

*Эр: Жуда тўғри айтасан. Чунки менинг ақлим жойида.*

* * *

*Биринчи хоним: Байрамда эринг сенга нима совға қилди?*

*Иккинчи хоним: Шамоллашни!*

*Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлаган.*

**Матбаа**

## ЖАВОНИНГИЗ КЎРКИ

***«Ёзувчи» нашриёти ўзбек адибларининг энг сара асарларини чоп этиш ишига катта аҳамият бериб келмоқда. Нашриётда янги босмадан чиққан китобларни кўздан кечирсак бунга амин бўламиз.***

### «ГЕНЕРАЛЛАР ЎЙИНИ»

Ёзувчи Исфандиёрнинг «Инқироз ёхуд генераллар ўйини» романи 80-йилларда халқимизнинг бошига тушган мудҳиш кўргуликлар ҳақида ҳикоя қилади. Асарда қатағон даврининг қотиллари, қурбонлари ва шу қурбонлар ҳақ-ҳуқуқини, миллат шаънини ҳимоя қилган мард ва фидойи инсонлар кураши асарда очиқ-ойдин, муфассал ҳикоя қилинади.

Ушбу асарни ўқиганлар истиқлол нақадар азизлигини, Ватан ҳурлиги нақадар буюклигини янаям чуқурроқ ҳис этадилар.

### ОЛТИН ҲАЙКАЛ ҚУРБОНЛАРИ

Тасодифан топиб олинган олтин ҳайкалча темирчининг ҳушини ўғирлайди. Олтинни қаёққа яширишни билмай каловланади. Ниҳоят, акасиникига олиб бориб беркитмоқни хаёл қилади. Йўлда ўзини ўлим кутаётганидан бехабар олтин ҳайкалчани тўрвага солади. Ҳайкалчага кўзи тушган заҳотиёқ уни қўлга киритмоқчи бўлган кимса тўрвага заҳарли илон солиб қўяди. Йўлда олтин ҳайкалча эгасини тўрвага солиб қўйилган илон чақиб ўлдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, милиция майори Муҳаммаджон Соиповнинг босмадан янги чиққан «Илон ўргатувчининг ҳалокати» саргузашт қиссасида ана шу қотилликнинг очилиш жараёни қизиқарли ҳолда ҳикоя қилинади.

### ВАФО БИЛАН

***«Одамийлик зийнатин билган***
***кўнгил ҳеч хор эмас,***
***Одамийлик зийнатин билмас***
***кўнгил дилдор эмас.***
***Яхшилик қил, неча имкон***
***илкинга тутсанг агар,***
***Бўлмагай ҳеч бесамар,***
***қўрқма, сўзим инкор эмас».***

Ушбу сатрлар иқтидорли замондошимиз Сулаймон Ҳайдар қаламига мансуб. Касби иқтисодчи бўлган Сулаймон Ҳайдарга шоирлик иккинчи истеъдод. «Қалбга жойла вафони» шеърий тўпламида сиз азизларга ўз дил изҳорларини тортиқ этади. Ушбу китобни чоп этишда Касби тумани Алишер Навоий номли жамоа ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи Зикриё Асроров ҳиммат ва ҳомийлик кўрсатди.

### ҚАЛБ ОҲАНГЛАРИ

Баҳром Умиров қашқадарёлик муаллим шоир. У ўттиз йилдан бери республика газета-журналларида шеърлари, мақолалари билан мунтазам қатнашиб келмоқда. «Нурлар оҳанги», «Ўқитувчи ўгити», «Муаллим хаёли» тўпламлари сизга таниш, албатта. Янги чоп этилган «Қалб қўримсиз» тўпламидан жой олган шеърлар шоир кўнглининг самимийлиги, туйғуларининг табиийлиги, ҳиссиётларининг жўшқинлиги билан эътиборга сазовор. Туғилган заминга чексиз меҳру мурувват, дўсту ёрга самимий муҳаббат ва садоқат туйғулари баён этилган шеърлардан ташкил топган мазкур тўплам шеърият шайдоларига манзур бўлади.

*Назира ЖЎРАЕВА.*

